



2020 у «3» октябр

№ К-1542

«_____» 20 _____ г

**Тумандаги “JANUB DALASI 777” номли
пахта ғаллачиликка ихтисослашган
фермер хўжалигини ташкил этиш ва
ижараага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йигилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йигилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Жабборов Умарали бошлиқ “JANUB DALASI 777” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Кумқўргон” массиви “Боботоғ” маҳалласи худудидан хўжалик харитасининг 644, 641, 589, 604, 605, 606к, 594, 595, 596, 597, 744к, 745, 746, 747, 740, 761к, 757, 758, 767, 768, 764, 825, 755, 642, 593-дала контурларида жойлашган жами 97,60 гектар, шундан 93,83 гектар сугориладиган экин ер майдони, 2,66 гектар ариқ, 0,71 гектар йўл, 0,40 гектар қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-банди талабига асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёjlари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиги X.Йўлдошевга туман ер ҳисботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “JANUB DALASI 777” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



TO'G'RI
ZBÉKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR